



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT YIG'ILISHI BAYONI

2024-yil 11-oktabr

№ 7

Toshkent sh

Хайъат раиси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев
Иштирок Т.Бутунбаев, Р.Қаршиев, Д.Ходжихмедов, Х.Қувондиқов,
этдилар: М.Наджимов, А.Ўразкелдиев,

Қатнашганлар:

Республика Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хайъат
студиясида: аъзолари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва
мустақил бўлим бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги
республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари,
Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири,
вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари
бошлиқлари, Оммавий ахборот воситалари ходимлари (*рўйхат
бўйича*)

Худудий Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги,
студияларда: вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари
бошлиқларининг ўринбосарлари, Насос станциялари ва
энергетика бошқармалари, Мелиоратив экспедициялар, йирик
гидротехник иншоотлар ва сув омборлари, ирригация тизим
бошқармалари, туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат
муассасалари, “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари
ҳамда “Ўзсувқурилиш” АЖ таркибидаги масъулияти
чекланган жамиятлар раҳбарлари (*рўйхат бўйича*)

Хайъат раиси кун тартибига киритилган масала билан хайъат йиғилиши қатнашчиларини таништирди ва муҳокамага қўйди. Йиғилиш кун тартиби ва иш регламенти хайъат аъзолари томонидан тўлиқ овоз билан тасдиқланди.

I. Вазирлик тизимида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича 2024 йилнинг 9 ойлик яқунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатлари билан жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш юзасидан барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида

(Хамраев, Жузбаев, Файзиллаев, Бойсариев, Садинов, Сиддиқов, Алимов, Қурбонов, Турсунов, Риззаев, Камилов, Турдиев, Бутунбаев, Қаршиев, Қувондиқов, Хамраев)

Кун тартибидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев, вазирнинг биринчи ўринбосари Т.Бутунбаев, вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, Х.Қувондиқовлар томонидан тақдим этилган ахборот ва маълумотларни тинглаб, хайъат аъзолари томонидан музокара давомида билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни муҳокама этиб, қайд этилган хато-камчиликлар ва

қолоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, куз-қиш мавсумида мавжуд суғориш тармоқларини, шу жумладан, вилоятлараро ва магистрал каналлар, ирригация тизимлари, ички хўжалик суғориш тармоқларини, насос станциялари, суғориш ва мелиоратив қудуқларни 2025 йил вегетация мавсумига тайёрлаш бўйича тадбирларни сифатли бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

Қарор қилди:

1. Вазир ўринбосарлари, Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари, Насос станциялари ва энергетика бошқармалари, Мелиоратив экспедициялар, йирик гидротехник иншоотлар ва сув омборлари, ирригация тизим бошқармалари ҳамда туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида 2024 йилнинг йилнинг 9 ойлиги давомида амалга оширилган ишлар **қониқарсиз деб топилсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан сув хўжалиги объектлари фойдаланишидаги сув фонди ва кўчмас мулк объектлари фойдаланишидаги ер майдонларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини тўлиқ таъминламаганлиги, бу борада ишларни тизимли равишда ташкил этмаганлиги ҳамда топшириқлар ижросига эътиборсизлик билан ёндошганлиги учун Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи **Б.Қурбонов** ҳамда Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи **Б.Алимов**ларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасининг биринчи қисми 1-бандига асосан **ҳайфсан эълон қилинсин.**

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижроси жорий йилнинг 20 декабрига қадар тўлиқ таъминланмаган тақдирда уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ **меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.**

3. Вазирликнинг жорий йил 4 сентябрдаги “2024–2025 йилларнинг куз-қиш даври учун сув олиш лимитларини тасдиқлаш ҳамда мавсум давомида ирригация-мелиорация объектларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 170-сонли буйруғида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошганлиги учун Шимолий Фарғона магистрал канали бошлиғи **Ш.Қозоқов**, Тошробот-Ўртачўл ирригация тизими бошлиғи **А.Фаттоев**, Чимбой тумани (**А.Қадирбаев**) “Сув етказиб бериш хизматлари” давлат муассасалари директорларига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасининг биринчи қисми 1-бандига асосан **ҳайфсан эълон қилинсин.**

4. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси бошлиғи Х.Лапасов, Юридик хизмат ва мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Р.Шароповлар вазир ўринбосари Р.Қаршиев билан келишилган ҳолда мазкур ҳайъат йиғилиши қарори билан интизомий жавобгарликка тортилган раҳбарларга нисбатан қўлланилган жазони расмийлаштириш бўйича **2 кун муддат ичида** “Интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида”ги буйруқ лойиҳасини киритсин.

5. Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Б.Қурбонов сув хўжалиги объектларини давлат рўйхатидан ўтказишда суствашликка йўл қўйганлиги, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун кадастр масалалари бўйича масъул ходим Д.Суробжоновни эгаллаб турган лавозимидан озод этсин ва буйруқ лойиҳасини **5 кун муддат ичида** Вазирликка тақдим қилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, Вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари, “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари, Насос станциялари ва энергетика бошқармалари, Мелиоратив экспедициялар, магистрал каналлар, сув омборлари ва сел-сув омборлари ҳамда хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектлари, ирригация тизим бошқармалари ҳамда туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари раҳбарларига:

2 кун муддатда жойларда 2024 йилнинг йилнинг 9 ойлиги давомида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалаларни танқидий руҳда муҳокама қилиб, уларни зудлик билан бартараф этиш ва ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан вилоят, туман ва ҳар бир сув хўжалиги объекти кесимида чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, Вазирликка тақдим қилиш ҳамда унинг ижроси ҳақида **ҳар ой якуни билан** Вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим қилиб бориш;

3 кун муддатда “Ақлли сув”, “Дайвер”, насосларни “онлайн” назорат қилиш қурилмаларига таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга қаратилган жорий йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида амалга ошириладиган ишлар бўйича **Календарь режа** ишлаб чиқиш ва тасдиқланган ҳолда Вазирликка тақдим қилиш;

5 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқлар доирасида жорий йилда давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериладиган сув хўжалиги объектлари бўйича ҳар бир сув хўжалиги объекти кесимида ижро муддатлари ва ижрочилари белгиланган Тармоқ жадвал ишлаб чиқиш ва вазирликка тақдим қилиш;

10 кун муддатда ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича молиялаштирилган майдонларда қурилиш-монтаж ишларини тўлиқ якунлаш ҳамда 2025 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларни белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил этиш;

15 кун муддатда 2024 йилда сув хўжалиги объектларида ўрнатилиши режалаштирилган рақамли қурилмаларга талаб этилган маблағларни маҳаллий бюджетлардан ажратилишини таъминлаш;

15 кун муддатда “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларига ишга қабул қилинадиган ходимларнинг малака талабларига асосан очиклик ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида комиссия таркиби билан биргаликда вакант штат бирликларига ходимларни қабул қилиш ишларини якунлаш;

15 кун муддатда сув фонди ерларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўловга чиқарилган маблағларни тўлаб бериш;

бир ой муддатда табиий сув объектлари ва улар фойдаланишидаги ер майдонларини сув хўжалиги ташкилотларга ажратиш ҳамда кўчмас мулк объектлари фойдаланишидаги ер майдонларини кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда Давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини тўлиқ якунлаш;

икки ой муддатда пудрат корхоналари билан ҳамкорликда сув хўжалиги объектларида ўрнатилган техник носоз “Ақлли сув”, “Дайвер”, насосларни “Онлайн” назорат қилиш қурилмаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этган ҳолда уларни тўлиқ ишга тушириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

икки ой муддатда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Давлат бюджетига тушган тушумнинг 40,0 фоизини “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларига тушурилишини сўзсиз таъминлаш;

ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири томонидан тасдиқланган ҳар ҳафталик Режа-график асосида ҳудудларда ўқув-семинарларни ўтказилишини тизимли равишда давом эттириш, ҳудудларда ташкил этилаётган ўқув-семинарларда аниқланган хато-камчиликлар ва қолоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш ва натижаси ҳақида ҳар ҳафта якуни билан Вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим этиш;

ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 3 санасига қадар иқтисод қилинган электр энергияси миқдорлари бўйича Вазирликка тегишли ҳисоб-китоблар билан асосланган ҳисоботларни тақдим қилиш;

ҳар ойда электр энергияси учун ҳақиқатда ажратилган маблағлар бўйича насос станцияларни ишлатиш юзасидан тегишли графикларни ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимнинг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари томонидан тасдиқлатиш ва шу асосида насос станцияларни ишлатилишини сўзсиз таъминлаш;

насос станцияларга ўрнатилиши режалаштирилган электродвигатель, қуёш электр панеллари, қуёш сув иситиш қурилмалари, конденсатор қурилмаларини ҳамда частота ўзгартирувчи қурилмаларни сотиб олинишини ва ўрнатилишини тўлиқ таъминлаш;

доимий равишда ишлаётган қудуқларни назорат қилиб, унга боғланган майдонларга сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилмаган бўлса уларни дарҳол ўчириш чораларини кўриш;

ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари тўлиқ якунлангач, уларни фойдаланишга топшириш олдидан маҳалла оқсоқоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали тадбирлар ўтказиш ва уларни вазирликнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ёритилишини ташкил этиш;

сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ва уларнинг мазмун моҳиятини соҳада меҳнат қилаётган барча даражадаги раҳбар ва ходимларга етказиш мақсадида газета ва журналларга обунанани ташкил этиш ва уларни мунтазам равишда ўқиб борилишини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш;

2024 йил учун харажатлар сметаси доирасида ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ва сарфланишини ташкил этиш, саноат ва энергетика корхоналарига етказиб берилаётган ҳар ойлик техник сувнинг ҳисоб-китобига аниқлик киритиш, ўз вақтида тўловларини амалга оширмаган

истеъмолчиларга нисбатан маблағларни ундириш бўйича иқтисодий судларга тегишли даъво аризаларини киритиш;

Вазирликнинг 2022 йил 23 ноябрдаги 214-сонли буйруғига асосан ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармасига машина-механизмлар ёрдамида пудрат шартнома тузиш орқали, вақтинча бўш турган бино-иншоотлар ҳамда муҳофаза зоналарини ижарага бериш, металллом топширишдан, ёрдамчи хўжалик ва бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар тушириш чораларини кўриш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш, ҳужжатлар, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ижро мониторингини юритиш ва ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни **ҳар ҳафта якуни билан** аппарат йиғилишларида ва **ҳар чорак якуни билан** умумий йиғилишларда танқидий-таҳлилий руҳда муҳокама қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш бўйича барча даражадаги раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш;

Вазирликнинг расмий веб-сайти, матбуот котибининг Телеграм ижтимоий тармоғидаги канали, Facebook ижтимоий тармоғини сув хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча даражадаги раҳбар-ҳодим ва ишчилар томонидан ҳар куни кўриб чиқилишини ва ўқиб борилишини ташкил этиш ҳамда Вазирлик фаолиятига оид муҳим воқеалар ва тадбирларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида, Вазирликнинг расмий веб-сайти, матбуот котибининг Телеграм ижтимоий тармоғидаги канали, Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида изчил ёритиб борилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Вазир ўринбосари – Сув хўжалиги лойиҳаларини амалга ошириш департаменти директори в.б Д.Ходжихмедовга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари раҳбарлари билан биргаликда:

15 октябрга қадар 2025 йилда янгидан бошланадиган ирригация ва мелиорация объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда лойиҳа ташкилотларини аниқлаш;

15 октябрга қадар Жиззах вилояти Зафаробод туманида сув иншооти қурилиши объектининг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган техник-иқтисодий асоси бўйича “UzGIP” МЧЖ томонидан ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқилишини таъминлаш;

10 кун муддатда Сирдарё туманидаги “Малик” каналининг 1,2 км қирғоқларидаги дарахтлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш;

15 кун муддатда “Булунғур” сув омборини қуриш объектида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилган назорат ўлчовидан ўтказиш ишлари якуни бўйича берилган хулосалар асосида молиялаштириш очиш ва қурилиш ишларини давом эттириш;

25 октябрга қадар 2025 йилда янгидан бошланадиган ирригация ва мелиорация объектларининг дастлабки манзилли рўйхатларига мувофиқ ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари билан келишилган ҳолда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш;

1 ноябрга қадар “Зарафшон голден груп” МЧЖ томонидан 2 та (Боёвут туманидаги “ПР-4” канали ҳамда Мирзаобод туманидаги суғориш тармоқларини реконструкция қилиш) объектда қурилиш ишларини якунлаш;

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги “Амударё” дарёсининг ПК900 қисмида 2 донa НДН-24 насос агрегатини ўрнатиш

объектининг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган лойиҳа-смета ҳужжатларини Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 740-сонли қарори талабларига мувофиқ тасдиқлаш юзасидан Ҳукуматнинг фармойиши лойиҳасини Адлия вазирлиги билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

икки ой муддатда Нукус туманидаги “Нукус” коллекторини қуриш (3-босқич) объекти бош пудратчиси “Амубухороканалқурилиш” АЖ билан пудрат шартномасини суд тартибида бекор қилиб, объектни яқунлаш ва фойдаланишга топшириш;

икки ой муддатда Тўрткўл туманидаги “Янбаш” каналини реконструкция қилиш, Фориш туманидаги “Фориш” каналини қуриш объектларининг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишларини ҳал этиш;

Қашқадарё вилоятидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш объектларида ишларни жадаллаштириш мақсадида бошқа ҳудудлардаги лоток ишлаб чиқарувчи заводлардан лоток маҳсулотларини етказиб бериш масаласини кўриб чиқиб, ишларни ташкил қилиш;

ирригация-мелиорация лойиҳалари доирасида қурилиш ва реконструкция қилиш юзасидан жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини Вазирликнинг ZOOM платформаси орқали видеоконференцалоқа (ВКА) шаклида **ҳар 10 кунда** танқидий руҳда муҳокама қилиб, барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари топширилсин.

8. Сув хўжалиги объеклари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Р.Рахимовга:

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчиларини сувдан фойдаланиш маданияти даражасини ошириш юзасидан зарур чоралар кўриш;

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидалари (тартиби)га риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш;

каналлар, суғориш тармоқлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектларида сув ресурсларининг самарали бошқарилиши бўйича қатъий назорат ўрнатиш;

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш юзасидан тизимли мониторинг ва назорат ишларини амалга ошириб, аниқланган қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари бўйича ўрнатилган тартибда кескин чоралар кўриб бориш ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ой якуни билан Вазирликка ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

9. Ушбу ҳайъат йиғилиши қарорининг ижросини ташкил қилиш вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, Х.Қувондиқов, Д.Ходжихмедовларга ҳамда уни назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Т.Бутунбаев зиммасига юклатилсин.

Мазкур қарор лойиҳаси ҳайъат аъзолари томонидан билдирилган таклифлар асосида тўлғазилди ва бир овоздан қабул қилинди.

II. “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан Вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси 2024 йил сентябрь ойи якунлари, октябрь ойида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар ижросини сўзсиз бажариш ҳамда ижро

интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида

(Хамраев, Ибрагимов, Қаршиев, Қувондиқов, Бутунбаев, Хамраев)

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи М.Ибрагимов томонидан тақдим этилган ахборот ва маълумотларни тинглаб, ҳайъат аъзолари томонидан музокара давомида билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни муҳокама этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори ижросини сўзсиз таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда турган октябрь ойида бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан юклатилган топшириқлар ижросини сўзсиз бажариш ҳамда Вазирликка келиб тушаётган хат ва ҳужжатлар билан ишлаш борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг ижро интизомига қатъий ва сўзсиз риоя этилиши юзасидан шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

Қарор қилди:

1. “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси 2024 йил сентябрь ойи якунлари, октябрь ойида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар ижросини сўзсиз бажариш ҳамда ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида”ги ахборот **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. Вазир ўринбосарлари, Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда Вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан 2024 йил сентябрь ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида Вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар **қониқарсиз деб топилсин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–109-сонли қарорининг 1-илоvasи 28-банди топшириғи ижроси кечиктиришига йўл қўйганлиги учун вазир ўринбосари Р.Қаршиевга **кўрсатиб ўтилсин**, Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги Мелиорация объектларидан ва механизмларидан фойдаланиш бошқармаси бош мутахассиси Қ.Муродовга **сўнгги мартаба огоҳлантириш эълон қилинсин.**

4. “Ijro.gov.uz” тизимидаги назоратда бўлган Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижросига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори Ш.Султонов ҳамда Сув хўжалиги лойиҳаларини амалга ошириш департаменти директорининг ўринбосари Н.Хўжақуловларга **огоҳлантириш эълон қилинсин.**

Белгилаб қўйилсинки, келгусида ижро интизомига риоя қилинмаганда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан Вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси белгиланган муддатларда, тўлиқ ва сифатли қилиб таъминланмаган тақдирда Сув хўжалигида хорижий инвестиция

лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори Ш.Султоновга нисбатан интизомий жазо чоралари қўллаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритилади, Сув хўжалиги лойиҳаларини амалга ошириш департаменти директорининг ўринбосари Н.Хўжакуловга эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ **меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.**

5. Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда Вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига:

“Ijro.gov.uz” тизимида 2024 йил октябрь ойида назоратда бўлган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича вазир ўринбосарлари кесимида ишлаб чиқилган ҳамда жорий йил 20 сентябрь кuni сув хўжалиги вазири томонидан тасдиқланган Календарь режа, “Йўл харитаси”, шунингдек, I ва II картотекага киритилган октябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари бўйича топшириқлар рўйхати ижро учун қабул қилинсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарорининг ижросини тизимли равишда ташкил этиш, **жорий йилнинг октябрь ойида** назоратдан чиқарилиши лозим бўлган:

1-картотекага қарашли (“Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган) **96 та** (Вазирлик асосий ижрочи бўлган **58 та** ҳамда ҳамижрочи бўлган **38 та**) ҳамда **2-картотекага қарашли** (Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, баёнлари ва топшириқлари) **27 та** топшириқлар ижроси юзасидан кунлик мониторинг ўрнатиш ҳамда топшириқларни **25 октябрга қадар** тўлақонли ва сифатли қилиб бажариш вазифалари юклатилсин.

6. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи М.Ибрагимовга:

сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев томонидан жорий йил 20 сентябрда тасдиқланган I ва II картотекага киритилган 2024 йилнинг сентябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича топшириқлар рўйхати, Календарь режа ҳамда вазир ўринбосарлари кесимидаги “Йўл харита”лар ижроси юзасидан ҳар кунлик тизимли ва қатъий мониторинг юритиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича “Ijro.gov.uz” тизимига киритилган маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларга асосан топшириқларни назоратдан ечиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлиги билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бориш;

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган 96 та топшириқлар ижросини назоратдан ечиш бўйича октябрь ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида доимий фаолият юритувчи Штаб ташкил қилиб, ижросини назоратдан ечиш бўйича керакли Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда Вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларини таклиф қилиб, муаммоли масалаларни узил-кесил ечиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Вазирлик марказий аппарати бошқармалари ва мустақил бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни мунтазам равишда (**ҳар ой якуни билан**) таҳлил қилиб бориш, ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга эътиборсизлик ва масъулиятсизлик билан ёндашаётган раҳбар-ҳодимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўллаш юзасидан Вазирлик раҳбариятига асосланган хулоса ва таклифлар (**интизомий жазо чораси қўллаш юзасидан буйруқ лойиҳаси**) тақдим этиш вазифалари топширилсин.

7. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарорининг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари (*ижро интизоми учун масъул*) Т.Бутунбаев зиммасига юклатилсин.

Қарор лойиҳаси ҳайъат аъзолари томонидан билдирилган таклифлар асосида тўлғазилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилиши якунида ҳайъат раиси Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига бугунги ҳайъат йиғилиши қабул қилган қарор асосида **2 кун муддатда** жойларда 2024 йилнинг йилнинг 9 ойлиги давомида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалаларни танқидий руҳда муҳокама қилиб, уларни зудлик билан бартараф этиш ва ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан вилоят, туман ва ҳар бир сув хўжалиги объекти кесимида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш юзасидан тегишли топшириқ ва тавсиялар берди.

Ҳайъат раиси



Ш.Хамраев